Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 4 (8.739) ◆ 1996 йил ◆ 10 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Иш билганга минг танга

ПАЙ ТУФАЙЛИ ПУЛИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

ДЕЙИШМОҚДА СЕРГЕЛИЛИК МЕБЕЛСОЗЛАР



Айни кунларда бундан бир - бир ярим йил илгари ҳиссадорлик жамиятига ўтиб меҳнат қила бошлаган уддабурон корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари оғзида юқоридаги сўз тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Чунки улар ишнинг кўзини билиб, тер тўкиб меҳнат қилиш эвазига бугунги кунда сотиб олган акциялари, яъни қимматбаҳо қоғозларнинг қўшимча қийматини, даромадини олишмоқда. Яқинда биз Сергелидаги «Мебель» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда бундай қувончли воқеанинг яна бир гувоҳи бўлдик.

Корхонанинг тайёрлов цехига кириб борганимизда биринчи сменадагиларнинг иши авжида эди. Кимдир ломова шу корхонада 20 йилдан буён меҳнат қилади. «Ҳиссадор жамиятининг аъзоси эканлигингизни қандай тушуниб етдингиз» деган саволимизга у шундай жавоб қилди:

— Тўғрисини айтадиган бўлсам, дастлаб, бироз иккиланган эдим. Чунки омонат кассаларга пул қўйиб, заёмлар олиб, зарар кўрганларни эшитгандик. Лекин жамоамизда олиб борилган тушунтириш ишлари бу иккиланишларимизнинг беҳуда эканлигини исботлади. Таваккал қилиб 21 та акция сотиб олган эдим. Бу қимматбаҳо қоғозлар бизга октябрь ойларида тарқатилди. Куни кеча шу қимматбаҳо қоғозларнинг даромади, яъни дивидендини олдик. Мен сотиб олган қимматбаҳо қоғознинг келтирган даромади 13 минг сўм бўлган экан. Унинг 50 фоизини қўлимга беришди. Қолган қисмига яна ўз қимматбаҳо қоғозларимга эга бўлиб қолдим. Қўлимга теккан 6500 сўмни уй-жойимизни таъмирлаш учун харажат қиламиз деб режалаштириб қўйдик. Бу албатта, ўтган 1995 йилнинг олти ойлик якуни бўйичадир. Йиллик даромадимиз ҳали олдинда.

Жамиятнинг бош муҳандиси Собир Ғоибназаров қимматбаҳо қоғозларга қуйидагича изоҳ берди:

— Қимматбаҳо қоғозларнинг моҳияти ҳақида ишчилар орасида тўлиқ тушуниб етилмагунча биз давлатдан сотиб олганимиз йўқ. Сотиб олиш ва сотиш даврига келганда эса икки йўналишда иш олиб бордик. Биринчидан акциялар кимга қанча берилиши унинг шу корхонада неча йил ишлаганига қараб тақсимланадиган бўлди. Иккинчидан эса унинг мутахассислиги ҳам ҳисоба олинди. Шундай имконият яратилдики, кимга қанча акция ажратилган бўлса имкон қадар сотиб олишни тавсия этдик. Натижада 49 фоиз ўрнига 72 фоиз акциялар ўз корхонамизда қолди. Бу билан биз чиқарган 500 сўмлик қимматбаҳо қоғозларнинг барчасининг бозори юришди. Эндиликда мана шу 500 сўмлик қимматбаҳо қоғоз ёнига 374 сўм қўшиб, ҳозирда дивидендлар олти ойлик якун ҳисобидан берилмоқда. Бундан ташқари давлат ҳисобидаги 28 фоиз қимматбаҳо қоғозларнинг дивидендлари ҳам корхона ҳисобига қоладиган бўлди. Бу даромаддан иқтисодиётимизни ривожлантириш мақсадида замонавий дастгоҳлар сотиб олиш, мавжудларини таъмирлаш учун фойдаланамиз.

— Ўтган 1995 йил ишлаб чиқаришда мураккабликлар бўлмасин, уни енгиб, бир кун ҳам ишни тўхатмасликка ҳаракат қилдик, — дейди жамият бошқарувининг раиси Алижон Қирғизбоев. — Шунинг учун ҳам йил давомида 129 миллион сўмдан зиёд мебель маҳсулотлари, 132 миллион сўмдан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқардик.

Маҳсулотларнинг асосий қисми буюртма асосида бўлиб, у хоҳ хонадон учун бўлсин, хоҳ ишхоналар учун бўлсин ҳеч шубҳасиз аввало сифатига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳозирги кунда Германиянинг «Хомаг» мебель линияси ёрдамида худди хорижликларникига ўхшаган ажойиб термалар ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотларнинг сифатли ва харидоргир бўлиб чиқиши замирида албатта, уларга яратилаётган шароитлар ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Жамиятнинг барча мутасаддилари ижтимоий таъминот ва бошқа масалалар хусусида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Мана ҳатто шу изланишлар туфайли меҳнат қилаётган 500 нафар ҳиссадордан ташқари яна фахрийларимизга ҳам ғамхўрлик кўрсатиб, улар учун 108 дона қимматбаҳо қоғоз тайёрланди. Шу кунлар ичида барча нафақахўрларимизни чақириб, бепул тарқатамиз. Шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан олинаётган даромадларимиз ҳисобига йил охиригача 2—3 та янги кичик дастгоҳлар олиш умидидамиз. Янги йилимизнинг биринчи чорагида эса корхона ҳудудидан жой оладиган соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилади. Умуман олганда ҳаракатда барака кўп экан...

Ҳа, «Иш билганга минг танга», деб шуни айтадиларда. Мебелсозларнинг 1996 йил бошидан қўйган қадамлари салмоқли. Улар эртанги куннинг йирик мулкдорлари десак, янглишмаймиз. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг замирида тинимсиз меҳнат, изланиш, қолаверса тадбиркорлик билан иш юрита билиш ётибди.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: пресслаш бўлимининг илғор ишчиларидан (чапдан) Зуҳра Ғуломова, Абдумалик Бойматов ва Ғулнора Раҳимжоновалар янги маҳсулотнинг дастлабки бўлагини кўздан кечиришмоқда; оператор Икром Ғанибоев ёш ва иш кўзини биладиган ишчилардан саналади; мебелсозларга тўланадиган пайлар; бош муҳандис Собиржон Ғоибназаров ҳамда бош технолог Алима Шейхаметовалар намуна учун чиқарилган махсус мебеллар термасини назоратдан ўтказишмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Шаҳримиз туманларида фаоллар йиғилишлари

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ҳозир корхона, ташкилот, муассасаларда яқиндагина ўз якунини топган 1995 йилда эришилган ютуқлар, ечимини топмаган муаммолар сарҳисоб қилинмоқда. Зеро, йиллик фаолият сарҳисоби келгусидаги ишнинг унумли бўлиши учун муҳим омилдир.

Куни кеча Юнусобод туманида ҳам тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ва маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида Юнусобод тумани ижтимоий иқтисодий ривожланишининг 1995 йили якунлари ва 1996 йилнинг асосий йўналиш истиқболлари масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

— 1995 йил Юнусобод тумани аҳолиси, ҳудудимизда жойлашган корхоналар, ҳокимлик бўлимлари учун сермаҳсул ва сермазмун ўтди, — деди қилинган ишларни таҳлил этар экан туман ҳокими Т.М.Маҳаметов. — Чунончи, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мобайнида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга муваффақ бўлинди. 1995 йилда туманда 1 миллиард 347 миллион сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. 1994 йилга нисбатан солиштирма нархларда ўсиш суръати 117 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг эса 80 фоиздан кўпроғи истеъмол моллари бўлди. Шунингдек, туман корхоналари томонидан ўтган йили 7497 минг дона алкоголсиз ичимликлар, 332 та қишлоқ хўжалик машиналари, 5 миллион 660 минг сўмлик металл қирқувчи ускуналар, 64 мингдан зиёд телевизор ва магнитофонлар ишлаб чиқарилди. Туманда ўтган йили амалга оширилган қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳам салмоқлидир. Хусусан, Амир Темур хиёбонида кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Олой бозори янгитдан чирой очди, 13 ва 19-мавзеларда деҳқон бозорлари, 8-мавзеда савдо-маиший хизмат мажмуаси, 4,10,14-мавзеларда кичик нон заводлари, 4 та маҳалла гузари ва бошқа туман кўркини очувчи, аҳолига қулайликлар яратувчи бир қанча объектлар фойдаланишга топширилди.

Сўнг туман ҳокими туманда барча ишлар ҳам силлиқ кечмаётгани, жумладан айрим корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари пасайгани, корхоналар омборларида йиғилиб қолган тайёр маҳсулотлар муаммолари, қўшма корхоналарнинг фаолияти жадаллашиб кетмаётгани, қурилиш соҳасидаги айрим камчиликлар хусусида тўхталиб, янгича фикрламасдан, давр талабларини тўғри тушунмасдан олға силжиб бўлмаслигини, бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб фаолият кўрсатилсагина келгусида яхши натижаларга эришиш мумкинлигини аҳоҳида таъкидлади.

Фаоллар йиғилишида туман молия бўлими мудири Р.Абдусатторова, туман солиқ назорати бошлиғи ўринбосари А.Пайзимуҳамедов, Халқ банки туман бўлимининг раиси М.Дадамуҳамедовлар ҳам сўзга чиқишиб ўз соҳалари бўйича амалга оширилган ишлар натижаси, жорий йилга мўлжалланган режалар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Йиғилиш сўнгида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Юнусобод туман фаоллари йиғилишида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, назорат инспекцияси бошлиғи Б.С.Камолов қатнашди ва сўзга чикди.

Фаолларнинг худди шундай йиғилишлари шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Дилмурод ИСЛОМОВ.

БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Маркс Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинланди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Расулмат Ҳусанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири вазифасидан озод этилди.

❑ Қорақалпоғистон Республикасида, Сурхондарё вилоят ҳокимлигида, Фарғона, Қашқадарё, Наманган вилоятларида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишларида Президент Ислом Каримовнинг куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

❑ Халқ депутатлари Тошкент ва Сирдарё вилоят кенгашлари сессиясида ўтган йил якунлари ва юртбошимизнинг Олий Мажлис тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

❑ Тошкентда Халқ банки янги биносини тантанали равишда фойдаланишга топшириш маросими бўлди. Уни «Тошкентуйжойинвесткурилиш» корпорацияси қуриб берди.

❑ Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди.

❑ Бугун Ўзбекистон Кинематографчилар уйининг мажлислар залида Марказий Осиё мамлакатлари кинематография раҳбарлари, шунингдек миллий телевидение студиялари вакиллари иштирокида думалоқ стол атрофида кенгаш бўлиб ўтди.

❑ Наманган вилоят ички ишлар бошқармасида ишонч телефони ишлай бошлади.

❑ Самарқанд телевидениеси тожик тилидаги «Овози Самарқанд» янги телестудияси кўрсатувларини бошлади.

❑ БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Холид Малик Нукуса келди. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қабул қилинди.

❑ Бухорода очилган янги супермаркет ўзининг дастлабки харидорларини қабул қилди.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода бир АҚШ долларининг қиймати 36 сўм 50 тийин даражасида қайд этилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1996 йил 23 февралда Москвада Федерация Кенгашининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисида Фармон берди.

❑ Кеча эрта тонгда 500 кишигача миқдордаги чечен жангарилари Доғистон шимолида жойлашган Кизляр шаҳридаги туғруқхона ва касалхонани эгалладилар. Жангарилларга Жохар Дудаевнинг куёви Салман Радуев бошчилик қилмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида чечен жангарилари Кизляр шаҳрида шаҳар касалхонасида қўлга олинган гаровдагилардан икки кишини отиб ташладилар. Кеча шунингдек куннинг иккинчи ярмида Кизляр шаҳридаги касалхона ва унга туташ бўлган икки бинони эгаллаган чечен жангарилари билан музокаралар бошланди.

❑ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Доғистоннинг Кизляр шаҳрига дудаевчи жангариларнинг ҳужуми ва тинч аҳолининг гаровга олинганлиги муносабати билан Кремлдаги фавқулодда кенгашни оча туриб қуролли кучлар тизими раҳбарларини қаттиқ танқид қилди. У Кизлярдаги иғвогарона босқинчиликка ғов қўйиш бўйича фаолиятни кучайтиришни қатъий талаб қилди.

❑ Қирғизистон Президенти Асқар Акаев 2005 йилга қадар бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

❑ Арманистон иқтисодиёт вазири унинг мамлакати иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 1994 йили кўзга ташланган ижобий силжишни ўтган йили ҳам сақлаб қолганлигини таъкидлади.

❑ Сахалин шимолида Рихтер ўлчови бўйича 6,1 балл куч билан зилзила бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда зилзиладан нефть қувурлари тизими шикастланмаган. Ҳалокат ва вайроналар хусусида маълумотлар олинганича йўқ.

❑ Хабаровск ўлкасининг ТУ-154 самолёти ҳалокатга учраган жойида хотира белгиси ўрнатиладиган бўлди.

ХОРИЖДА

❑ Қоҳирада Миср ҳукумати бошлиғи этиб таниқли иқтисодчи, 62 ёшли Камол ал-Ганзури сайланди.

❑ Кеча Польша Президенти А.Квасьневскийнинг Германияга расмий ташрифи бошланди.

❑ Душанба куни 80 ёшида Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран вафот этди. Эртага, 11 январь куни марҳумнинг туғилган шаҳри Жарнакда тор оила даврасида Миттеранни дафн этиш маросими бўлади.

❑ Испанияда парламентга муддатидан олдин сайловлар ўтказиш эълон қилинди.

❑ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг янги аъзолари иштирокида биринчи мажлис ўтказилди.

❑ Луандада Ангола ҳукумати ва ҳукуматга муҳолиф бўлган «Унита» ташкилоти ўртасида музокаралар бошланди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЖАДАЛ СУРЪАТ БИЛАН

«Эркинлик» хусусий-тижорат ишлаб чиқариш фирмасида Янги йилнинг дастлабки ҳафтаси жадал суръат билан ўтди. Бу жамоа аъзолари ишни икки сменада ташкил этиб, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган қоғоз халталарни кенг қамровда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

— Халта тайёрлаш цехини моҳир ишчимиз Юсуфбек Худоёрбеков бошқаради, — дейди фирма раҳбари Эркин Зуфаров. — Дастгоҳларни созлаш ва тайёр маҳсулотларни пешма-пеш қадоқлашга йўналтиришда созловчи Зокир Асилов пешқадамлик қилмоқда. Ўтган йилда бу цехимизда 13 нафар ишчи ишлаган бўлса, ҳозир 26 тага кўпайди. Бу ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ишсиз юрган ишчиларни иш билан таъминлашга замин бўлди. Шунингдек Ўзбекистон дон маҳсулотлари корпорациясига қарашли корхоналар томонидан биз тайёрлаётган қоғоз халталарга талаб юқори бўла бошлади. Шунинг учун ҳам ишимизни янада ривожлантиришга ҳаракат қилдик. Ҳозирги кунда бир иш куни давомида Тошкент шаҳар дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасига кепакларни қадоқлаш учун 20 минг дона, «Олтин бошоқ» ҳиссадорлик жамиятига эса 30 минг, «Одил дон» ҳиссадорлик жамиятига ҳам 50 минг дона, гуруч корхонасига ҳам 20 минг дона 2 килограмм ҳажмдаги қоғоз халталар тайёрлаб бердик. Бу жамоалар томонидан тайёрланган ун ва гуруч маҳсулотлари халталарга қадоқланиб, сўнг савдога чиқарилса бунда сотувчига ҳам, харидорга ҳам қулай бўлиши табиий ҳолдир.

Гулчеҳра МАЖИДОВА.

Танловга таклиф этамиз

«ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС»

Беш йилдирки биз озод, мустақил, келажаги буюк давлат Ўзбекистонда яшамоқдамиз.

Беш йил — бу муҳим маррадир. Ўтган ана шу вақт ичида амалга оширилган дастлабки ишларга якун чиқариш мумкин. Бинобарин юксалиш ва тараққиёт белгилари ҳаммамизнинг кўзимизга яққол ташланмоқда.

Шу нарса муҳимки, бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра бизнинг буюк аждодимиз Амир Темур йили деб эълон қилинди. ЮНЕСКО қарори бўйича буюк соҳибқироннинг 660 йиллигини жаҳон жамоатчилиги кенг нишонлаши ҳам бежиз эмас.

1996 йилнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллиги шарафига «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти «Besh-Yoqoch» («Бешёғоч») фирмаси билан биргаликда газета жанри (очерк, корреспонденция, репортаж, мусоҳаба) ва энг яхши суратлар учун «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» шиори остида танлов эълон қилади.

Танловга юбориладиган материаллар ва суратларда республикамизда юз бераётган беқиёс ўзгаришлар чуқур ва ёрқин очиб берилмоғи, Ватанга муҳаббат туйғусининг муқаддаслиги ҳар бир фуқаро, бутун-бутун жамоаларнинг буюк мақсад — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қўшаётган аниқ ҳиссаси ҳар томонлама ўз ифодасини топмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги байрами тантаналари арафасида якунланадиган ушбу танловга профессионал журналистлар қатори «Оқшом» муштарийлари йўллаган асарлар қабул қилинади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

- **1-ўрин учун — 7 минг сўм.**
- **2-ўрин учун — 4 минг сўм.**
- **3-ўрин учун — 3 минг сўм.**

Шунингдек ҳар бири минг сўмдан иборат бешта рағбатлантирувчи мукофот ҳам таъсис этилган.

Суратлар танлови ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

- **1-ўрин учун — 2 минг сўм.**
- **2-ўрин учун — 1,5 минг сўм.**
- **3-ўрин учун — 1 минг сўм.**

Танловга йўлланадиган ишлар (материаллар ҳажми икки ораликда машинкаланган, матни 8 варақдан кўп бўлмаслиги ва суратлар катталиги камида 12 х 18 ҳажмида ялтироқ қоғозда бўлиши керак) қуйидаги манзилга: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига, «Танловга» деган белги билан жўнатилиши керак.

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Мирзо Улуғбек туманида кенг кўламли хайрия тадбирларини амалга ошириш яхши одат тусига кирган. Жумладан туман аҳлини янги меҳнат зафарларига ундаш, уларга йил бошидан хуш кайфият бахш этиш мақсадида «Тракторсозлар» маданият саройида хушовоз хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг бепул концерти ташкил этилди.

Шу куни маданият саройига ташриф буюрган 600 га яқин кам таъминланган оилалар аҳли, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ҳамда туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари Насиба Абдуллаева ҳамда «Самарқанд» вокал-чолғу дастаси, хушовоз хонанда Қаюмжон Усмонов, «Феруза» рақс дастаси ва машҳур кулги усталарининг чиқишларини мароқ билан томоша қилишди.

Бундан ташқари тумандаги Дархон, Улуғбек, Тракторсозлар ва Қорасув округларида ҳам ўзига хос хайрия тадбирлари бўлиб ўтди. Бунда айниқса 7-Қорасув округида амалга оширилган ишлар эътиборга моликдир. Бу ерда кичик корхоналарни жалб этиб ва округнинг бошқа имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 50 минг сўм пул ажратилиб, 10 та мактаб ва 10 та болалар боғчаларига кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув анжомлари ва бадиий адабиётлар топширилди. Бундан ташқари округдаги 125 та кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари «Туркистон» саройидаги арча байрамига таклиф этилди. 60 нафар ёлғиз, қаровчиси йўқ қарияларга эса озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Дониёр НУРМАТОВ.

КЕКСАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг қарори билан Чорсудаги 150-дорихонада кексаларга хизмат кўрсатувчи махсус бўлим очилди.

— Бўлимимиз кексаларга имтиёзли хизмат кўрсатади, — дейди дорихона мудирининг ўринбосари Сурайёхон Шарипова. — Бўлимни кенг турдаги дори-дармонлар билан доимо етарли миқдорда таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Дорихонада нуронийлар учун махсус яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, ходимларнинг ширинсўз ва хозиржавоблиги мижозларни мамнун қилмоқда.

Дорихонада қулайлик яратганликлари учун мутасадди раҳбарларга миннатдорчилик билдирамиз.

Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Туйғун ЙЎЛДОШЕВ,
уруш ногирони.

«ПАХТАКОР» ТАЪМИРЛАНМОҚДА

«Пахтакор» марказий стадионида майдоннинг чим қопламасини янгилаш учун кенг қамровли таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. «Ўзгипросувхўжалик» илмий-текшириш институтида ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, таъмирдан сўнг марказий стадион янада юксак халқаро талабларга жавоб бера олади. Чунончи, чим қопламаси остига махсус иситгичлар ўрнатилгач, майдонда ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳатто қалин қор ва кучли жаладан сўнг ҳам тўп суриш мумкин бўлади. Кўлмак, яхмалак, қалин қор каби ўйинни қийинлаштирувчи омилларга бутунлай барҳам берилади. Майдон қишин-ёзин кўзни қувнатувчи ям-яшил чим билан қопланиб туради. Ҳатто чим ҳам одатдаги ажриқ эмас, балки махсус чим ўсимлиги бўлиб, унинг уруғлари Германиядан келтирилиб ўстирилмоқда.

Айни вақтда «Ўзмахсусдренажқурилиш» трести томонидан ишлар кечаю кундуз давом эттирилмоқда. Бу ерда жами 13,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ўтган ойнинг охирларида бошланган таъмирлаш февраль ниҳоясида асосан тугатилади.

Айтиш керакки, таъмирлаш ишларининг иккинчи навбати 1997 йилда яна давом эттирилиб, томошабинлар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

Баҳодир ҲУСАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

ЯГОНА ФУҚАРОЛИК

21-модда. «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади».

Ўзбекистон Конституциясининг IV боби 21-, 22-, 23-моддалардан иборат бўлиб, республикамизда фуқаролик асосларини белгилаб беради.

Аввало, фуқаролик нима? Фуқаролик — шахснинг муайян давлатга доимий ва барқарор ҳуқуқий мансублигидир. Демак, Ўзбекистон фуқаролиги — бу инсоннинг республика билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасидир, унинг ёрдами билан шахс қонунларда белгилаб қўйилган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади, давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлатга ҳамда жамиятга нисбатан жамики муайян бурчларини бажаради. Республикамизда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, бунинг маъноси шундан иборатки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Конституцияда ва бошқа қонунларда белгиланган, барча фуқароларимиз учун ягона бўлган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади ва бурчларни бажаради.

Ўзбекистонда ягона фуқаролиknинг ўрнатилганлиги халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқади ва унга тўла жавоб беради. Маълумки, икки фуқаролиknи тан олмаслик 1930 йилги Гаага конвенциясидаёқ мустаҳкамланган эди. Шунга асосан Конституциямизда ҳам, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунда ҳам Ўзбекистон фуқароларининг бирон-бир чет давлат фуқаролигига мансублиги мутлақо тан олинмайди. Умум эътироф этилган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Конституцияда ва юқоридаги Қонунда худди шу тамойил мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг 21-моддаси Ўзбекистонда фуқаролиknинг, унга қандай асосларда эришилганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенг эканлигини ўрнатади. Бу жуда муҳим қоида бўлиб, қуйидаги жиҳатлари билан характерланади:

Биринчидан, республика фуқаролиги унга эга бўлиш асосларидан қатъи назар, барча учун баробардир.

Иккинчидан, республика фуқаролари келиб чиқиши, ижтимоий, ҳолати, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, маълумоти, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, машғулотининг тури ва характери, бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Учинчидан, республика фуқароларининг тинчлиги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида таъминланади.

Тўртинчидан, республика фуқаролари ҳисобланган шахсларнинг биронтасига ҳам ҳорижий давлат фуқаролари деб қаралмайди.

Конституцияда мустаҳкамланган ушбу қоидада демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойилларидан бири, яъни фуқароликнинг миллий белгига қараб белгиланмаслиги ўз ифодасини топган. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Агарда фуқаролик миллий тамойил асосида белгиланса, инсонга миллатига қараб турли хил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади». Бу эса ягона ўзбек халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатлар манфаатларига зиддир.

Шундай қилиб, фуқаролик тўғрисидаги Қонунларимиз ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар бермайди, ёки ҳеч кимнинг қонуний манфаатларини чекламайди ва бузмайди. Ўзбекистонда жорий этилган фуқаролик умум эътироф этган қоидалардан келиб чиқади ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла жавоб беради.

Конституциямизнинг 21-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Зотан, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидаги ўзаро тенг ҳуқуқлилик муносабатлари асосида яшовчи давлатдир. У ўз Конституциясига, ўзининг давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларига, ўз ҳудудига эгадир. Ўзбекистон Республикаси унинг ҳудудий яхлитлигини эътироф этади. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан эркин равишда чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолган давлатдир. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси бўлишлик Ўзбекистон фуқароси бўлишликка нисбатан алоҳида имтиёзлар бермайди ёки аксинча.

Конституциямизнинг 21-моддаси сўнгги қисмида фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади, дейилган. Шунга биноан республика фуқаролиги 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги» тўғрисида»ги Қонун билан ҳамда шу асосда чиқарилган бошқа қонун актлари билан тартибга солинади.

Юқоридаги Қонунга мувофиқ фуқароликка қуйидаги ҳолларда эга бўлиш мумкин:

1. Туғилиш билан,
2. Республика фуқаролигига қабул қилиниш билан,
3. Республиканинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича,
4. Қонунда кўрсатилган бошқа асослар бўйича.

Ота-онаси Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган бола қаерда туғилишидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлади. Фуқаролиги бўлмаган, аммо республикада доимо яшаб келаётган шахсларнинг Ўзбекистонда туғилган болалари, шунингдек Ўзбекистонда туғилган ва ота-онаси номаълум болалар ҳам республика фуқаролигига эга бўладилар. Ўзбекистонда туғилган боланинг отаси ёки онасининг ўзигина республика фуқароси бўлса бас, у ҳам Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлади. Ўзбекистондан ташқарида туғилган Ўзбекистон фуқароларининг болалари ҳам Ўзбекистон фуқаролигига эга бўладилар.

Фуқаролик тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш шартлари ва тартибини, фуқароликни тўхтатиш асосларини ҳам белгилаб беради. Шу билан бирга ушбу Қонунга биноан шахслар қуйидаги ҳолларда фуқароликни йўқотишлари мумкин:

Биринчидан, агар фуқаро ҳорижий давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати органларига, полицияга, юстиция органларига ёки давлат ҳокимияти ёки бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирган бўлса.

Иккинчидан, агар чет элда доимий равишда яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса.

Учинчидан, агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Тўртинчидан, қонунда кўрсатилган бошқа асосларда ҳам фуқаролик йўқотилиши мумкин.

Қонунларда кўрсатилишича, фуқароликка доир барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилинади. Шу ҳақдаги ҳужжатларни текшириш, аниқлаш, тайёрлаш, тақдим қилиш ва бошқа ташкилий ишлар ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўрнатилган ягона фуқаролик барча учун баробар бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси билан унинг фуқаролари ўртасидаги мустаҳкам ҳуқуқий алоқаларни вужудга келтиради. Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллати ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси.

Йилимизнинг дастлабки иш кунларини шаҳримиздаги «Ўртоқ» қандолатчилик корхонаси ҳам кўтаринки руҳда бошладилар. Улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп миқдорда маҳсулот етказиб, шаҳримиз аҳлига тортиқ этишди.

СУРАТДА: шу корхонанинг моҳир қадоқловчиси Гўзал Аҳорова.

Ҳунар масканларида

АМАЛИЁТ БИЛАН БОҒЛАБ

Ўтган йили Акмал Икромов туманидаги 12-ҳунар-техника билим юрти негизида республикамизда ягона «Миллий ҳунармандчилик лицейи» ташкил топган эди. Ушбу билим даргоҳи директори Шоносир Муродов ўз сўзини шундай бошлади:

— Инсоният дунёга келганидан бери табиат гўзалликлари ва унинг сирли мўъжизаларига лолу ҳайрон бўлиб келади. Қадимий бой тарихи ва маданиятига эга бўлган халқимизнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари, анъаналари эъзозланиб келинмоқда. Айниқса, амалий санъат турига кирувчи халқ ҳунармандчилиги ҳалигача завол топган эмас, балки жаҳон бозорининг кўзгусига айланган. Негаки халқ усталари томонидан яратилган ҳар бир санъат тури ўзининг нафис ва гўзаллиги, айни чоғда бетакрорлиги билан кишилар диққатини тортади. Уларнинг шаклу шамойиллари, антиқа бўёқларининг асрлар оша сақланиб келганлиги билан қимматлидир. Лекин, ушбу гўзал санъат буюмларини яратишда ота-боболаримиз, момоларимиз қадимдан ишлатиб келган дов-дастгоҳлар, асбоб-анжомларнинг ҳатто музейларда ҳам кўзга ташланмай қолганлиги ачинарлидир. Шу сабабдан ўқитувчилар жамоаси билан келишилган ҳолда билим юртини миллий ҳунармандчилик лицейига айлантирдик.

Эндиликда асосий вазифамиз, дунё тажрибасига суяниб ўз олдига қўйган мақсадни чуқур ҳис эта оладиган, кўп босқичли таълим тизими асосида ўзида бор имкониятни юзага чиқара оладиган, яратган маҳсулотлари билан жаҳон бозорида тенглаша оладиган, ҳар томонлама етук ёшларни камол топтиришдан иборат.

— Кўп босқичли таълим тизими дедингиз. Буни қандай амалга оширмоқчисиз?

— Ушбу ўқув йили зиммамизга олган вазифанинг ниҳоятда масъулиятли эканлигини кўрсатди. Ишни аввало ҳунар-техника билим юртиникидан кескин фарқ қиладиган дастур яратишдан бошладик. Ўқувчиларни ҳам махсус тузилган тест ёрдамида танлаб қабул қилдик. Дастлабки очилган миллий кийим тикувчи ва попопчи, бўёқчи ва наққош, сувоқчи ва ганчкор лицей гуруҳларидаги ўқувчилар билан кўп йиллик иш тажрибасига эга, ўз ҳунарларининг моҳир усталари шуғулландилар. Биз асосан ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини чуқур ўрганишларига эътибор бердик. Шу сабабли уларнинг курсдан курсга ўтказиш имтиҳон синовлари ниҳоятда қаттиқ талаблар асосида олиб борилди. Натижада қабул қилинган ўқувчиларнинг фақат 50 фоизигагина 2-курсга ўтишга рухсат берилди. Бир йил ўқиганларга фақатгина ҳунарнинг дастлабки босқичини эгаллаганликлари тўғрисида оддий гувоҳнома берилди. Ўқувчи ўз лаёқатига қараб бир йилдан уч йилгача таълим олади. Сўнгги довонда ўнта ўқувчи коладими, ҳатто 5 та коладими бунинг аҳамияти йўқ. Мақсадимиз бу кунги жаҳон бозорига рақобатдош ҳақиқий ҳунар эгаларини тарбиялашдир. 1995-1996 ўқув йилида ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги ва кулолчилик ҳунарлари ҳисобига гуруҳлар сони саккизтага етди.

— Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган мақол бор. Лицейнинг зарур асбоб-ускуналар ва ҳом ашё билан таъминланиши ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, устанинг қандай эканлиги унинг ишлатадиган асбоб-ускуналарининг сифатига боғлиқ. Айниқса миллий ҳунармандчилигимизни тиклаш йўлида саъй-ҳаракатларимиз натижаси намунали жиҳозланган устахоналар, ундаги жиҳоз, асбоб-ускуна ва ҳом ашёга боғлиқ. Олдинги кўр-кўрона, фақат дарсликлар орқали дарс бериш тизими эскирди. Бизда ҳафтасига 5 куни амалиёт куни эканлигини ҳисобга олсангиз, у ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг. Буни ҳисобга олиб 600 квадрат метрли янги устахонани қуриб битирдик. Махсус ҳунар турлари учун хоналар таъмирланди.

Айрим қийинчиликларга қарамай имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. «Прогресс» заводи билан асбоб-ускуналар бўйича ҳамкорлик шартномаси тузилган. Кўқон шаҳридаги ҳунармандлардан нақд пулга ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналарга буюртма берилди. Миллий кийим тикувчи ва попопчи гуруҳлари учун 15 та попоп тикадиган ва 21 та тикув машиналари олинди.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Режаларимиз талайгина. Ўқувчиларнинг ўқиши мобайнида амалиётни кўпроқ аҳоли билан боғланган ҳолда олиб боришларига эришиш. Бугунги кунда «Ўрикзор» даҳасида қурилаётган уй-жойларга бизнинг талабалар эшик, ром ясаб бермоқдалар. Бўёқчи ва наққош, сувоқчи ва ганчкор гуруҳидаги йигитларимиз ҳам аҳолидан буюртма олиб пардозлаш ва таъмирлаш ишларида қатнашмоқдалар. Уста ва шогирдлик анъаналарини йўлга қўймоқдамиз. Миллий кийим тикувчи ва попопчи гуруҳларидаги қизларни ҳам амалиёт дарсларини буюртма асосида ишлашни режалаштирмоқдамиз. Бозор тадбиркорлиги дарсларини ўқитиш соати кўпаяди. Яқинда кулолчилик цехи таъмирдан чиқди. Ганч ўймакорлиги ва кулолчилик гуруҳларининг амалиёт режасига ҳам аҳоли буюртмалари асосида ишлаш бўлимини киритиш мўлжалланган. Бугунги кунда атлас, гилам тўқиш ҳунарлари тўгарак тарзида ўргатилмоқда. Имкониятларни ҳисобга олиб гилам тўқиш, атлас тўқиш ва дўппичилик ҳунарлари бўйича гуруҳлар очилади. Шунингдек, 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб бухгалтерлик, менежмент, маркетинг каби гуруҳларни очиш режалаштирилган.

Дония ЗОКИРОВА.

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

Чет эллардаги дўстлик жамиятлари, турдош шерик ташкилотлар, илмий-маданий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш — Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг асосий мақсад ва вазифаларидир. Чунончи, ёш, мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаёти, унинг маданий-маърифий ва бошқа ютуқлари билан жаҳон жамоатчилиги ни таништириш, республикамиз нуфузини ошириш, унинг тарихи, маданияти, санъатини курраи замин узра ёйиш, тарғиб қилиш борасида яқинда якунланган 1995 йили ҳам миллий ассоциация томонидан бирмунча салмоқли ишлар амалга оширилди.

1995 йил давомида йигирмадан ортиқ делегация ассоциация томонидан қабул қилинди. Бунда айниқса жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири, кунчиқар мамлакат Япония билан кенг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. «Фукусима — Ўзбекистон маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси»нинг учта делегацияси, Японияннинг Нара шаҳрида ўтадиган «Ипак йўли — Нара — 95» халқаро ташкилий қўмитасининг аъзолари, Япония соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-таъминот вазирликлари, Рисё университети делегациялари, ассоциация кўмагида ташкил қилинган шарқшунослик институти талабалари алмашуви доирасида 7 кишидан иборат япониялик талабалар гуруҳи, Орол денгизи муаммоларини ўрганиш мақсадидаги япон олимлари делегациялар аъзолари билан тиббиёт, ижтимоий суғурта ва спорт соҳалари бўйича алоқаларни ривожлантириш, талабалар айирбошлаш тўғрисида келишиб олинди, дўстлик ва маданий алоқалар борасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциациясининг 32 кишилик делегацияси Яккасарой қабристонидаги япон ҳарбий асирлари ёдгорлик мемориалининг очилиш маросимида қатнашдилар.

«Франция — Ўзбекистон» жамияти билан халқаро алоқалар миллий ассоциацияси 1993 йилдан бери яқин алоқада. Ассоциация таклифи билан Дурдан шаҳри ҳокими Ив Тавернье раҳбарлигидаги «Франция — Ўзбекистон» жамиятининг беш кишидан иборат делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабулда бўлдилар, миллий ассоциация ва «Ўзбекистон — Франция» жамияти фаоллари билан учрашиб, суҳбатлашдилар. Натижада икки жамият ўртасида ахборот айирбошлаш, мутахассислардан иборат делегациялар алмашувини йўлга қўйиш, рассомлар асарларининг кўргазмасини ташкил қилиш юзасидан келишиб олинди.

Миллий ассоциация ва «Покистон — Ўзбекистон иқтисодий ва маданий марказ» ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ «Ўзбекистон — Покистон» жамияти фаолларидан иборат 9 кишилик аёллар гуруҳи апрель-май ойларида Покистонда бўлиб қайтди.

Яхши анъана тусини олган оилавий асосдаги бу сафардан мақсад ҳам Покистон аёлларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, жамоатчилик ҳаёти билан яқиндан танишиш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва икки халқ ўртасида ўзаро делегациялар алмашувини узвий давом эттириш эди. Шуниси қувончлики, ўзбекистонлик аёлларнинг Покистонда бўлишига муҳим аҳамиятга молик воқеа сифатида ёндошилди. Бу ҳақда Покистон телевидениесида кўрсатувлар тайёрланди, газеталарда мақолалар ва суҳбатлар берилди. Ва ушбу сафардан кўзланган мақсадга тўла эришилди. Худди шунингдек, оилавий алмашув доирасидаги дастурга кўра Покистон Ислом республикасидан 10 кишидан иборат аёллар делегацияси ҳам қабул қилинди. Махсус дастурга кўра покистонлик аёллар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг тарихий обидаларини зиёрат қилдилар, корхона ва муассасаларда ўтказилган учрашувларда қатнашдилар.

«Ўзбекистон — Германия» жамияти фаоллари ва миллий ассоциация ходимлари Ўзбекистонга ташриф буюрган Германия бундестагининг делегация аъзолари билан учрашдилар. Сўнг ассоциацияда «Германия — Ўзбекистон» жамиятининг аъзолари, тиббиёт фанлари доктори, тиббиёт масалалари бўйича эксперт Карл Фрайган қабул қилинди. У «Германия — Ўзбекистон» жамияти ўзбек халқига инсонпарварлик ёрдами тарзида юборган 30 тонна дори-дармонни келтирганди. Миллий ассоциация ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари билан биргаликда ушбу дори-дармонларни Ўзбекистондаги вилоятларидаги касалхоналарга тарқатдилар.

Шунингдек, йил давомида бир қатор ҳорижий давлатлар ҳаётидаги муҳим саналар ва республикамиз байрамларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Муборак рамазон ҳайити ва халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб Ўзбекистондаги ҳорижий мамлакатлар элчиларининг рафиқалари ва Тошкентдаги БМТнинг халқаро мактаб ўқитувчилари учун «Ўзбекистон — урф-одатлар ва анъаналар» деб номланган кеча айниқса файзли ўтди. Тадбир доирасида чет эллик аёллар ўзбек хонадонларида бўлиб, халқимизнинг қадимий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганликларидан мамнуниятларини изҳор этдилар.

— Хориждаги ватандошлар билан алоқалар ўрнатиш борасида ҳам самарали ишлар қилинди, — дейди биз билан суҳбатда миллий ассоциациянинг раиси Мирҳамад Миркосимов. — Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Германия, АҚШ, Австралия, Сурия каби мамлакатларда истиқомат қилувчи ватандошларимизни қабул қилиб улар билан мулоқотлар ўтказдик. Аксарият ватандошларимиз қалби қадрдон юртларини обод қилиш, унинг тараққиётига кўмаклашиш ҳислари билан тўлиб-тошганлиги қувонарлидир.

Хорижлик ватандошларимиз қаерда бўлишмасин доимо Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб, юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаб, доимо Ўзбекистоннинг ҳар соҳадаги тараққиётига ўз улушларини қўшишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Ўтган йили шунингдек «Ўзбекистон — Индонезия», «Ўзбекистон — Вьетнам» дўстлик жамиятлари тузилиб, улар билан миллий ассоциация ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилди.

Энг муҳими, ассоциациянинг ҳориждаги дўстлик жамиятлари, турли хил халқаро ташкилотлар билан алоқалари фақат маданий-маърифий соҳалар билан чекланиб қолмай, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ҳам фойдали битим ва шартномалар имзоланди. Ва бундай фаолият мунтазам давом этаверади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Энг афзали— тотувлик

МАКТАБДА БАДИЙ КЕЧА

Собир Раҳимов туманидаги Обид Содиқов номли 249-мактабда «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида театрлаштирилган бадиий кеча бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, 309-лицей, 299-болалар боғчаси, 249-мактаб ҳамда туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган тадбирга жуда пухта ва сермазмун тайёргарлик кўрилганлиги эътиборга молиқдир.

...Мактабнинг 5 та қардош республика байроқлари осилиб байрамона безатилган залига Амир Темур, Алишер Навоий, Ибн Сино, Саъдий Шерозий, Махтумқули, Абай қиёфаларидаги болалар чиқиб келишиб дўстликни, қадриятни улуғловчи ҳикматли сўзларни айтадилар. Дўстлик саҳнасида эса ўқувчилар миллий кийимларда чиқишиб рус, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, озарбайжон, корейс тилларида шеърлар ўқиб, табриклар қилишди, шу тилларда жозибали қўшиқ ва мафтункор рақслар ижро этишди.

«Оламни асранг, дўстлар» саҳнасида ўқувчилар ер, сув, ҳаво, шамол, фазо образларида чиқишиб кишиларни табиатни асрашга, экологияни бузмасликка чақиришди. Шунингдек, 249-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Санжар Холхўжаев ижросидаги замонавий ва мумтоз қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди. Мазкур тадбирда қатнашган Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг катта мутахассиси Омон Мамасолиев ҳам ўқувчиларнинг маҳоратларини юқори баҳолаб, уларнинг келгусидаги фаолиятларида омадлар тилади.

«Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида ўтказилган театрлаштирилган бадиий кеча дўстлик, ҳамжиҳатликнинг ҳақиқий тантанасига айланиб кетди. Кеча сўнгида Собир Раҳимов туман мактаб ўқувчиларининг бутун дунё болаларига тинчлик ҳаракатига қўшилиш тўғрисидаги мурожаатномаси қабул қилинди.

Даврон ИСМОИЛОВ.

Фанимиз фидойилари

ИККИ УНИВЕРСИТЕТ ФАРЗАНДИ

Илм йўли азал-азалдан машаққатли бўлиб, инсондан тоғдек улкан бардош талаб қилади. Кимки бундай қийинчиликларга дош бериб тинмай изланишлардан чўчимай қалб амрига бўйсунса, элда ҳурмат топади. Профессор Зариф Норбоев ҳам шундай инсонлардан, Табиёт-биология билимларига бўлган қизиқиш уни Самарқанд Давлат университетининг умуртқасизлар зоологияси бўлимига ўқишга йўллайди. Ўқишни имтиёзли тугатиб. Ленинград зоология институти аспирантурасига киради, сўнгра Тошкент Давлат университетининг фитогелтминтология илмий тажрибахонасига ишга юборилди.

Бу даргоҳда у Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказувчи, уларнинг илдиз таркиби ҳамда ҳосилини касаллантирувчи паразит фитонематодалар гуруҳларини ўрганиш, уларга қарши чора-тадбирларни яратиш борасида кенг кўламда илмий-назарий ва амалий изланишлар олиб борилди. Болалик йиллари қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу ёш олим кўпгина пахта, мева, ғалла, сабзавот экинларинги паразит нематодаларини кенгроқ ўрганиш, уларга қарши моддалар топиш борасида янада янги изланишларни авж олдиради. Чунки нематодаларга қарши кураш ўшанда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муаммоларидан бири ҳисобланарди.

Олим кейинги йилларда умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади. 1987 йилдан бошлаб ҳозиргача шу кафедрага ва тупроқ умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи фитонематодалар гуруҳини ўрганиш бўйича 15 дан ортиқ илмий экспедициялар ташкил қилинган. Бу илмий изланишлар самараси ўлароқ Москвадаги Гельминтология институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олим илмий изланишларининг кейинги қисми бўртма нематодаларини кенг ўрганишга бағишланган. У биринчи бўлиб Ўзбекистонда ғўзанинг бўртма нематодалари билан зарарланганлиги аниқлаб берди. Иссиқхоналарда помидор ва бодринг ўсимликларининг мелойдогинов касаллигига қарши курашда микроэлементларни қўллаш орқали бу касалликка қарши чидамлилиги оширилиб, ҳосилдорликни ҳар бир квадрат метрдан 2-3 килограммга кўтарилганлиги ҳам аниқланди.

Тиниб-тинчимас олим ташаббуси билан 1987 йилдан бошлаб кафедранинг илмий ишлари биология фанининг устивор йўналишларига ўтказилиб, собиқ фитогельминтология лабораторияси асосида «Тупроқ умуртқасиз ҳайвонлар экологияси» илмий лабораторияси ташкил қилинди ва Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг табиий унумдорлигини сақлаш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар халқ хўжалигида ўз самарасини бермоқда.

Бу олим фақат илмий раҳбаргина бўлмай, балки ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир. Университет илмий кенгаши томонидан иқтидорли олимга «Моҳир педагог» номи берилди.

Профессор Зариф Норбоев ҳозир ҳам ижодий илмий изланишда. Унинг фаолияти республикамизнинг икки университети — Самарқанд ва Тошкент Давлат университетлари билан чамбарчас боғлиқ.

Малик НУРИДДИНОВ.

Меҳр-мурувватли бўлайлик

ИНСОН КЎНГЛИНИ КЎТАРИБ

...Тўйдиқ ая эшикни очар экан, кўзларида ёш қалқиди. Кейин эса бу хонадонга ташриф буюрган меҳмонларни уйга таклиф этди...

— Тўрт фарзандим ногирон бўлиб қолгандан кейин ичимга чироқ ёқса ҳам ёришмасди, — дейди Тўйдиқ ая. — Яхшиям атрофимизда меҳр-мурувватли кишилар, кўнгилни кўтарадиган одамлар бор экан. Бундан ташқари мен учун оғир бўлган кунларда уч фарзандим ва икки келиним жонимга оро бўлишяпти. Шу ўринда Ҳамза тумани ижтимоий-таъминот бўлимининг кишилар дардига қулоқ соладиган ходимлари ҳақида ҳам миннатдор бўлиб гапиргим келади.

Барака топгурлар бундан икки ой илгари германиялик мутахассислар томонидан ишланган «Майра» ногиронлик аравачасидан иккитасини олиб беришган эди. Мана бугун эса яна иккитасини олиб келишди. Энди болаларим ҳеч бўлмаса табиатнинг кўркам жилоларини ўз кўзлари билан кўриб, ҳовлиларда айланиш имкониятига эга бўлишади. Бунинг учун, меҳр-мурувват кўрсатишни одил иш деб билаётган юртбошимизга минг раҳмат...

Дарвоқе, Ҳамза туманида ўтган йили 19 та ногиронга худди шундай ғилдиракли аравачалар берилди. Бундан ташқари 177 нафар I гуруҳ, 538 нафар II гуруҳ ногиронларига ёрдам кўрсатилмоқда.

— Туманимиздаги турли ёшдаги ногиронлар учун «Майра» аравачасидан ташқари ҳасса, қўлтиқтаёқлар ҳам бериб, уларга имкон қадар ёрдам кўрсатишни асосий вазифамиз деб биламиз, — дейди туман ижтимоий-таъминот бўлими мудири Дилмурод Дўстмуҳамедов. — Лекин кўпгина фуқаролар ижтимоий-таъминот бўлими томонидан бепул олса бўладиган анжомларни айрим дорихоналардан ахтариб юришади. Тўғри, касаллик ҳақидаги қоғозлар талаб қилинади, аммо нафақотки умр учун зарур бўладиган нарсага 1-2 кунлик вақтни сарфлаш шунчалар қийин бўлса. Айниқса ўзбек оиласидагилар «Нега бизга мурожаат этмадингиз», десак «Истиҳола қилдим» дейишади. Шунинг учун ҳеч тортинмай яшаб турган тумандаги ижтимоий-таъминот бўлимига мурожаат этинг, ногиронларингиз бўлса, улардан кўмагимизни дариғ тутмаймиз. Зеро, ғилдиракли аравачаларнинг яна бир афзаллиги улар беш йил муддат учун берилиб, сўнг яна қайта янгиланади.

Байрамлар арафасида ногиронларимизни совғалар билан уйларига бориб йўқлаб келиш одатимизга айланган. Уларга совға-саломларни жамғаришда туманимиздаги айрим кичик ва хусусий корхоналар яқиндан ёрдам беришмоқда. Яқинда «Бахт» жамоа корхонаси ўз ҳисобидан 250 ногиронга шакар беришни лозим топди. Бошқалари эса яна керакли озиқ-овқатлардан ёрдам беришмоқда.

Инсон кўнгли жуда нозик. Шунинг учун ҳам доимо меҳр-мурувватли бўлайлик...

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

СУРАТЛАРДА: «Майра» аравачаси топширилган Тожиевлар оиласидаги тўрт ногирон — (чапдан ўнгга) Сайфулла, Бахтиёр, Умида, Фотималар; ижтимоий-таъминот бўлими мудирининг ўринбосари Маъмура Турсунова уруш қатнашчиси Полина Федоровага «Шуҳрат» медалини топшираяпти.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Одобнома

«Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».

Абдулла АВЛОНИЙ.

Сўнгги йилларда мактабларда «Одобнома» дарси фан сифатида ўқитила бошланганлиги қувончлидир. Ана шу хайрли янгиликни амалга оширишда Республика таълим илмий-услубиёт маркази қошидаги «Мактабдан ташқари таълим-тарбия» тажрибахонаси ходимлари томонидан қисқа муддат ичида анча ишлар амалга оширилди. Тажрибахона мудираси, педагогика фанлари номзоди, доцент Раиса Йўлдошева билан суҳбатимиз ана шулар тўғрисида бўлди.

Мустақиллик мевалари

АХЛОҚАН БАРКАМОЛЛИККА ЭЛТАДИ

— Раиса Ашуровна, «Одобнома» фанининг ўқитилишига турли жойларда ҳар хил ёндошишлар бўлди. Ҳаттоки, «нима учун уни фан сифатида алоҳида ўқитилиши керак?» деган қарашлар ҳам учради. Шу каби қарашларга нисбатан сизнинг фикрингиз қандай?

— Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг маънавияти, маданияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳиллик, инсонпарварликнинг нозик кўрсатмаларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг бой тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Айниқса, халқ томонидан яратилган қомусий аҳамиятга эга бўлган пандномалар, халқ оғзаки ижодининг турли жанрларида яратилган намуналари, буюк алломалар, мутафаккирлар, шоирлар, маърифатпарварларимиз Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Самарқандий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Бобур Мирзоларнинг қолдирган, аммо ҳозиргача етарли эътибор берилмаган бой педагогик меросни ўрганиш ва ёш авлод онгига сингдириш вақти келди.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мактабларимизда «Одобнома» дарсларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Одобнома фани ўзбек халқининг одобахлоқ қоидаларини ўзида акс эттирадиган фан бўлиши керак. Ҳеч қайси фан бу фан каби миллий ғурур, инсонпарварлик, ватанпарварлик тушунчаларини бера олмайди. Одобнома курси мактабларда 1995 — 1996 ўқув йилида 9-синфдан фан сифатида ўқитила бошланди, бошқа синфларда эса мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобига ўтказилмоқда. Бу курснинг ўқитилиши ўқувчиларда миллийликка қизиқиш, халқ оғзаки ижодига жиддий ёндошиш, маданий меросга ихлос, катталаларга нисбатан ҳурмат, кичикларга эса иззат хислари шакллана бошланди.

— Дарсликларни ёзиш ва уни яратиш жараёни мураккаб ҳисобланади. Лекин шунга қарамай қисқа фурсат ичида бир қатор дарслик ва қўлланмалар яратилди. Албатта буни табриклаш керак, лекин...

— Гапингизни тушундим. Яратилаётган ҳар бир китоб дарслик ўрнини боса оладими, демоқчисиз. Сўнгги вақтларда билар-билмас дарслик, қўлланма ва услубий тавсиялар ёзишга қўл урганлар кўпайиб кетди. Тўғри, шарқ ахлоқ-одобига доир тавсиялар, дастурлар эндигина мактабларда пайдо бўлмоқда. Яқин-яқин вақтларгача бу борадаги барча ўқув воситалари, ўқитувчилар учун ёзилган қўлланмаларда ҳам европача тарбия усуллари тарғиб қилинар эди. Биз ўқувчилар қўлига Т. Афанасьеванинг «Оила» китобини тутқазиб қўйиб, анча уялиб ҳам юрдик. Гап шундаки, бу китобда шарқона одоб-ахлоқдан асар ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам олдинги хатоларнинг янги кўринишда бўлса-да такрорланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бизнинг тажрибахона ходимлари томонидан шу мавзуда соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, олимлар билан маслаҳатлашган ҳолда бир қатор дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. Шулардан педагогика фанлари доктори, профессор Ойша Тўраева томонидан 7-синфлар учун «Одобнома», педагогика фанлари номзоди Турсунали Қурбонов қаламига мансуб 9-синфлар учун «Одобнома», Улфат Маҳкамовнинг «Ахлоқ — одоб сабоқлари», муаллифлар жамоаси томонидан 10 ва 11-синфлар учун «Ҳаёт ва турмуш одоби», 1 — 4-синфлар учун «Одоб сабоқлари», 5 — 9-синфлар учун «Одобнома», «Маънавият дарслари» каби дарслик, қўлланма ва дастурлар яратилиб чоп этилди. Шунингдек, 5, 6, 8-синфлар учун «Одобнома» дарсликлари, 1 — 4, 7, 9-синфлар учун қўлланмалар яратилди ва чоп этишга топширилди.

Ҳар бир муаллифнинг ўз йўналиши бор. Ойша Тўраева кўпроқ оилавий масалаларга чуқур ёндошади, Ойша Ҳасанбоева бошланғич синфлар учун, Санобар Нишонова отаоналарга ёрдам сифатида, Турсунали Қурбонов юқори синфлар, Раҳимжон Усмонов одобнома асослари бўйича, Ойниса Мусурмонова юқори синф қизлари учун дарслик, қўлланмалар яратиш йўлида изланишади. Яратилаётган дарсликларнинг барчаси тажриба сифатида ёзилган.

— Шаҳримиздаги қайси мактабларда «Одобнома» дарси ўқитиш яхши йўлга қўйилган?

— Шайхонтоҳур туманидаги 41, 85, Яккасарой туманидаги 73, Юнусобод туманидаги 273, Собир Раҳимов туманидаги 146, Миробод туманидаги 121, 223-мактабларни намунали мактаблар қаторига қўйиш мумкин. Бу мактабларда «Одобнома» дарслари янги услубларда ўтилади. Ўқитувчилар ҳар бир мавзуни ўтганда дарслик ва қўлланмага қўшимча тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-Муфрад», Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳийн», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» ҳамда Абдулла Авлоний асарларига, ҳикматли, ривоят, ҳикоят, асотирлар, шунингдек, ахлоқ-одобга оид замонавий рисолаларга, матбуот мақолаларига таянадилар. Шунингдек, дарслар амалий машғулотлар, сайру саёҳатлар, мунозаралар тарзида уюштирилади. Машғулотларнинг бундай ташкил этилиши ўқувчиларни миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни қадрлашга йўллайди ва мустақил ҳаётга тўғри қадам қўйишларини таъминлайди.

«Одобнома» дарсларининг ўқитилиши ўқувчиларни ахлоқан баркамол ва юксакпарвар инсонлар этиб тарбиялашда, уларнинг ҳаётда ўз ўрниларини топишларида катта ёрдам беради.

Доно ЗОИРОВА суҳбатлашди.

Мўътабар онахонлар азал-азалдан латофатли келинчаклару маъсума қизлар учун яхши маслаҳатгўй, меҳрибон волида бўлишган.

Засим Соколов олган сурат.

Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

◆ Дунёда энг танқис, энг ноёб нарса меҳр-муҳаббат эканки, уни кўз қорачиғидай асрай билинг. Мен ўткинчи, енгил-елпи муҳаббатнимас, ҳақиқий, илоҳий даражадаги асл муҳаббатни назарда тутяпман.

◆ Мен биров билан тил топишганим — ҳамма фикрига қўшилганим эмас.

◆ Бақириқ-чақириққа берилиш — ўз ақл кучига ишонмаслик аломати.

◆ Шу бепарволигингу боқи беғамлигинг одамларга шикаст етказмаса ғўргайди.

◆ Баъзилар ўз муваффақиятсизликларини бировлардан кўришади, бировлар дилига озор бериш билан ўз аламларини енгиллатмоқчи бўлишади.

◆ Баъзан ишларим юришмай қолганда, кучларимга ишонч йўқолиб, ўзим ўзимга ёмон кўриниб кетаман. Бу умидсизлик эмас. Ўзим табиатан оптимистман.

◆ Одам ўзини ўз кўзи биланмас, бировларнинг кўзи билан аниқроқ кўради.

◆ Хушомад ва лаганбардорлик ҳам — пора.

◆ Бахт катта лавозимлар, бойликлар билан даранг-дурунг кун кечиришдамас, камтарона бўлса-да оилавий тотувлик билан бирбиридан мамнун бўлиб яшашда экан.

◆ Муваффақиятга эришганда боши айланмаслик, муваффақиятсизликка учраганда тушкунликка тушмаслик — ирода кучи белгилари.

◆ Бировларга қилган яхшиликларингни гапириб, миннат қилиб юриш — ёмонлик қилиш билан баробар.

◆ Бировнинг ютуқларини эшитганда уни эсноқ босади, камчиликларини эшитганда кайфи чоғ тортади.

◆ Савоб иш ахтарган одам, уни ҳар қадамда топади.

◆ Озга қаноат қилмай туриб кўпга эришмайсан.

◆ Ҳаётни севдирган, қалбингга нур беролган нарса — гўзал.

◆ Қора нарсанинг бари ҳам ёмон эмас. Масалан: қора кўз, қора қош, қора ҳол...

◆ Ҳаётдан нолима, дўстим. Ҳозирги эришган кунларинг учун ҳам ҳаёт олдида анча қарздорсан.

◆ Одам филдан кучли, капалакдан нозик.

◆ Ёзишда қийин бўлса, ўқишда осон бўлади.

◆ Унинг бўйи узун бўлсаям, кўзга кўринмай қолишдан қўрқибми, доим оломоннинг олдига қараб ўзини уради.

◆ Яхши ном қолдирай десанг, умр бўйи кишилар учун заҳмат чекишинг керак. Ёмон отлиқ бўлиш учун эса бир марта чакки қадам босишинг кифоя.

◆ У бўйни йўғонлик қилиб эгилолмайди, натижада оёғи остидагини кўролмай, қоқилади.

◆ Меҳнатсиз роҳат излаш — уруғ сепмай ҳосил кўзлашдай гап.

◆ Камтарлик табиий ва самимий бўлсагина ҳисоб. Кўз-кўзга қилинган камтарлик манманликнинг бир хили. Кўпинча камтарликни манманлардан эмас, камтарлардан талаб қилишгани қизиқ.

◆ Истеъдод ўзга кўрмаганни кўра билиш ва ҳайратга тушиб, ўзгаларни ҳам ҳайратга сола олиш қобилиятидир.

◆ Одам нимаси билан гўзал? Аввало ақлидроки, уйғоқ қалби билан, вазифа-бурчларининг улуғлигини теран англаши, шуларга амал қилиш билан гўзал.

◆ Танқидни тўғри қабул қилиш учунгинамас, мақтовни ҳазм қила билиш учун ирода керак.

◆ Бақирган билан ашула, ёзган билан асар ҳосил бўлавермайди. Баъзиларнинг ашуласи ва асари юракданмас қориндан чиқади.

◆ Одамларнинг ташвишини тортиш насиб бўлганига шукр қил, бу ҳар кимга муяссар бўлавермайди.

◆ Сени лаганга солувчи топилгани учун ўзингни лаганга соляпсан.

◆ Турмуш курашдан иборат экан, бахт шу кураш натижасида қўлга кирган ўлжадир.

◆ Ғийбатчи бир жиҳатдан сувни лойқалатиб ўлжа тутувчи балиқчига ўхшайди.

◆ Табиат инсонга хотирадай улуғ неъматни ато этибгина қолмай, хайриятки, унутиш хусусиятини ҳам бериб қўйибди. Бўлмаса инсон мияси бўлар-бўлмас зил юклар тазйиқи остида мажақланиб кетарди.

◆ Таваккал-ку яхши нарса. Бироқ шу таваккалнинг тагидаям аниқ режа бўлгани яхши. Ахир ариқдан ҳам нариги қирғоғини яхши чамаламасдан ҳатлаб бўлмайдику!

◆ Инсонда юрак бўлгани каби, бадиий асарда ҳам юрак бўлиб, бутун аъзоларга ҳаёт бағишлаб туради. Бу асарнинг қони, мағзи, жони. Бусиз бутун аъзо ҳаракатдан тўхтайди, гўё тан бору жон йўқдай. Асарнинг юраги бош мақсади, ғояси.

◆ Тўрт нарсанинг қатта-кичиги бўлмайди: туҳфанинг, муҳаббатнинг, душманнинг, касалнинг.

◆ Мен камсуқумлик билан яшаганимдан афсусланмайман. Қайтага шу хусусиятим мени кўп балолардан омон сақлаб қолди.

◆ Айбингни яшириб виждон азобига қолгандан кўра, очиғига кўчиб уятга қолган афзалроқдир.

◆ Соғлиқни энг кўп кемирадиган нарсалар — ҳасад, бадгумонлик, тўйинганлик.

◆ Шу камтарона даражамга ҳам ўзимча етдим деб керилма. Уруғ қоқ ерда унармиди.

◆ Даволаш қўлингдан келмаса, бировлар ярасига қўл теккизма.

◆ Ақл чекиниб, жаҳл хуруж этган, оқиллар сукут сақлаб, жоҳиллар авжга минган замонлар энди қайтмасин, илоҳим!

◆ Дунёда нима ёмон? Бировни узоқ кутдириш; катта тўйнинг ошини бузиб қўйиш; оқ кийимга сиёҳ тўкиш; рашкли хотин билан яшаш; эр-хотин ўртасига тушиш; қуруқ туҳматга қолиш; бемаҳал ўлим.

◆ Пул ва мол ҳукмронлигига йўл қўйилган жойда эзгулик эшиклари тақа-тақ ёпилади.

◆ Одамнинг қиймати киссасида борига қарабмас, миясида борига қараб ўлчанаркан.

◆ Яхши одам деганда савобли ишларга берилиб, бировларга нафи кўп тегадиган ва буни ҳеч писанда қилмайдиган одамни тушунаман.

◆ Кечиримли ва илашимли одамнинг дўсту ёри кўп бўлади.

◆ Беш қўл баравармас. Буларни баравараштираман дейиш беҳуда иш.

◆ Агар бировларнинг мушкулини сал осонлаштириш, борар манзилини яқинлаштиришнинг уддасидан чиқолсанг, ўзингни бахтли ҳисоблайвер.

◆ Ҳали мен ҳақиқий меҳнатнинг эртами-кечми юзага чиқмай, одамнинг юзин ёруғ қилмай ерда қолиб кетганини кўрганим йўқ.

◆ Дунёда яшаб турганингни кўрсатадиган бирон нарсанг бўлмаса, бундан ёмон ҳожеа борми?

◆ Ўз сўзингни керак пайтда тўхтатиб, бошқаларнинг сўзини охиригача тинглай билиш ҳам бир ҳунар.

◆ «Бахтлимисиз?» деб сўрадингиз. Худога шукр, бахтлиман. Бола-чақаларим ўзларидан тиниб, тинч-омон яшаб, зиммаларидаги элюрт хизматини дуруст адо этиб туришган экан, бундан ортиқ бахту давлат йўқ менга.

Шарқ халқлари оғзаки адабиётида учрайдиган Ҳотам Той ҳақиқатан ҳам ҳаётда бўлган. У арабларнинг Той қабиласидан бўлиб, тўла исми шарифи Хатим ибн Абдаллаҳ ибн Сад ибн ал-Хашриж ибн Имру л-Каис деб айтилади. Ҳотам той исломгача жоҳилия даврида ҳаёт кечирган. У саҳийгина эмас, ўз замонасининг шоири, паҳлавони ҳам бўлган. Қуйида Ҳотам Той ҳақидаги ҳикоятлардан намуналар келтирдик.

Ўтмишдан садо

ҲОТАМ ТОЙ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Ҳотам Тойнинг онаси — Утба ўта саҳий, қўли очиқ, ўзида нима борки, қўни-қўшнилари билан баҳам кўрадиган аёл экан. Бир куни қўшни қабиладан хайр-эҳсон сўраб бир аёл келибди. Шунда Утба: «Олло таоло номидан қасамёд қиламан, бор молимни сен ол. Чунки йўқчиликнинг аччиқ таъмини кўп тотганман», деган экан.

* * *

Ҳотам Той болалик чоғиданоқ ўзида борини ўзгалар билан баҳам кўришни ҳавас қиларди. Вояга етгач овқатини уйида ўтириб ичмай, далага олиб чиқиб, етимесирлар билан ичадиган бўлибди. Дастурхондош бўладиган ҳеч ким топилмаса, қўлидагини қўчага ташлаб кетадиган одат чиқарибди. Ўглининг бундай қилиғидан нолиган отаси уни туя боқишга юборибди.

Туя боққан Ҳотам Тойга кунлардан бир кун уч йўловчи учраб, кўнок жой сўрабди. Учовини чайласига эргаштириб келиб, ҳар бирига биттадан туя сўйибди. Булар ан-Нуъмон подшо ҳузурига кетаётган шоирлар экан.

Шоирлар ёш йигитни мадҳ этиб шеър ўқишибди. Ҳотам Той ўз навбатида қолган туяларни ҳам учовига бўлиб берибди. Совғага ҳар бирига 100 туядан тегибди.

* * *

Ҳотам Тойнинг хотини Мауняннинг ҳикояси:

— Молимиз қирилиб, оч қолдик. Очликдан кўзимиз уйқуга бормасди. Адиба ва Сафанани олдимизга олиб, аллаладик. Улар ухлагач Ҳотам Той менинг дам олишимни илтимос қилди. Майли, қийналмасин деб, ёлғондан ухлаган бўлиб, кўзимни юмдим. У бир неча марта «ухладингизми?» деб сўради. Индамадим. Шу пайт бир аёл келиб, болаларининг очликдан ўлим ҳолига келганини айтиб, зор-зор йиғлаб ёрдам беришини илтимос қилди. У эса: «Болаларингни олиб кел, таом топиб бераман» деди.

Ҳотам Той ўша кенаси ёлғиз отини сўйди. Ўт ёқиб, қабиладошларни уйғотди. Ҳаммаси йиғилишиб, гўштни ўтда пишириб, ҳеч вақо қолдирмай еб олишди. Ўша гўштдан Ҳотам той бир парча ҳам оғзига солмади. Ўзи ўша қабиладаги энг оч кишилардан бири эди.

* * *

Мауняга Ҳотам Тойнинг туғишгани Малик деган келиб, уни алдай бошлайди. Ҳотам Тойни ёмонлаб, эри билан ажрашса, унга уйланишини, болаларига яхши ота бўлишини айтади. Жоҳилия замонида араб аёллари ўз билганларича эри билан ажрашиб кетаверишарди. Эридан чиққиси келган аёл шундай иш қиларди: агар аёл ғарб томонга қараб турган чодирининг эшигини эри йўқ пайтда шарққа (ёки жанубдан шимолга) қаратиб қўйса, эри унинг ўзи билан ажрашганини айтмасдан биларди. Иккинчи марта уйига оёқ босмасди.

Кунлардан бир кун Ҳотам Той чодирининг эшиги тескари қараб қолганини кўради-да, ўглини эргаштириб яйловга кетиб қолади. Кечқурун одатдагидай чодир атрофига кўп одам тўпланишади. Мауня қулини Маликка юборади.

— Ҳотам Тойнинг меҳмонлари келишди. Шуларни тўйдирадиган ош бериб юборсин. Ҳаракатини кузатгин. Агар соқолини тараб, бошини қашиса, ҳеч нимасини олмасдан тез орқанга қайт, — дейди.

Кўп кишининг овқатини қизғанган Малик соқолини тараб, бошини қашийди. Мауня бўш қайтган қулни энди Ҳотам Тойга юборади. У икки туяни олиб келиб сўяди-да меҳмонларини тўйдиради. Шунда Мауня: «Шу одатинг бўлмаса, мен сен билан ажрашардим. Эртага болаларинг хайр-эҳсон сўраб кетади-ку» деган экан.

* * *

Бани Асад ҳамда Бани Қайс қабилаларининг суворийлари ан-Нуъмон подшога кетаётиб, йўлда Ҳотам Тойга дуч келади.

— Бизнинг томондагилар сизни жуда ҳурмат қилишади. Мана, ёзган мактублари.

— Қани, қандай мактуб экан, — деб сўрайди Ҳотам Той. Бану Асад одамлари Абид билан Бишрнинг шеърларини ўқишади. Бану Қайс одамлари эса ан-Набиганинг шеърларини қўшиқ қилиб айтади. Шундан кейин улар:

— Узр сўрашга уялиб турибмиз, — дейишади.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Биримиз отимиздан айрилиб қолдик.

— Менинг отимни олиб, уни яёв қолган одамга беринглар.

Келганлар отни олишади. Устига қулнинг кийими боғланган тойчоқ онасининг кетидан эргашади, қул эса орқасидан қувади. Шунда Ҳотам Той:

— Орқаларингдан эргашгани ҳам сизларчики, — деган экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Бола бошидан...

НАФСИНИ ТИЙГАН СУЛТОНДИР

Нафс сўзининг чуқур ва кенг маъноси бор. Бу бир оғиз сўз остида инсоннинг бутун бир фаолиятини тўғри йўлга солувчи ёки йўлдан оздирувчи сеҳрли куч ётади. Нафс — бу инсон танасининг жисмоний талабларини қондиришга интилишдир. Чунки инсон яшар экан, у ўз танасининг соғлом ва тўғри фаолият кўрсатиши учун табиатдан заруратига керак бўлган нарсаларга — ҳаво, сув, овқат, ичимлик, мева-чева ва ҳоказоларни истеъмол қилади. Ўз вақтида ухлаш, танани машқ қилдириш, меҳнат қилиш, дам олиш, руҳни тетиклаштириш вақти билан маданий дам олиш ва шу кабилар тан зарурати учун керакли нарсалардир. Буларнинг барчаси ақл билан идора қилинади, яъни нафс ақл ёрдамида бошқарилади.

Агар ақл нафсдан устун келса, у инсонга Саодат келтиради. Нафс устун келса у ҳолда беодоблик ва бадбахтликка сабаб бўлади. Нафсини идора қила олмовчи ёки нафси ғолиб кишилар ҳаммавақт ўз нафсларини қондириш билан овора бўлиб, кўпчилик ва жамият манфаатларини унутиб қўядилар. Демак, инсоннинг ўз нафсини бошқара олиш қобилиятини тарбиялаш, оила учун ҳам, жамият учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Табиийки, одам дунёга келар экан, у билан нафс ҳам, ақл ҳам бирга туғилади. Аммо чақалоқ дунё юзини кўрган биринчи кундан токи эс-хуши кириб, дунёни танигунга қадар бўлган даврда ақл пастроқ, аммо нафс ғолиброқ бўлади. Кейинчалик ақли ривожлана борган сари иссиқни совуқдан, аччиқни ширидан фарқлайдиган, кейинчалик эса ҳалолни ҳаромдан, фойдалини фойдасиздан ажрата биладиган ва ўз нафсини бошқара оладиган даражага етади. Аммо нафсни бошқарувчи ақлнинг ҳаммавақт устун келиши, бу ниҳоятда қаттиқ меҳнатлар талаб қилувчи тарбияга боғлиқдир.

Баъзи ҳолларда ота-она тарбия анъаналарини билмаслиги ва ҳатто замонавий педагогикадан йироқлиги туфайли бола тарбиясига умумий ёндошади. Айниқса, бу ҳол ёш ва тажрибасиз ота-оналарда кўпроқ учрайди. Натижада фарзандига яхшилик қиламан деб, ўзлари билмаган ҳолда келажагини издан чиқарадилар.

Чақалоқ ўзини тута бошлаганидан кейин бешикка беланади. Энди меҳрибон ота-она гўдакнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузата боради. Бола йиғладими, она уни юпатиш ҳаракатига тушади. Озгина ортиқроқ йиғласа дарҳол уни эмизади. Ваҳоланки, бу билан боланинг овқатланиш миқдори керагидан ортиқроқ бўлиб кетади. Бола каттароқ бўлгач, йиғладими, қўлига ўйинчоқ тутадилар. Ҳаттоки, бошқа болалар қўлидаги ёки катта одамларнинг қўлидаги нарсаларни талашиб йиғласа, дарров ота ёки она ўртага тушиб ўша нарсани олиб беришга ҳаракат қиладилар. Аммо катталар бу хатти-ҳаракатлари билан боладаги эҳтиёж талаб даражасидан ортиқ қондирилаётганини, бунинг оқибати бола тарбиясига ёмон таъсир қилишини ўйлаб кўрмайдилар. Улар учун бола йиғламаса бас. Ахир ота-боболаримиз бола йиғласа: «Тинч қўй, йиғлайверсин, кўзи қораяди» дейишганку! Бу сўзларнинг чуқур маъноси бор. Не-не алломаларни тарбиялаб етказган ўзбек халқ педагогикасининг талабидир бу. Яхшиси бола интилиб сўраган ҳамма нарсани унинг қўлига тутқазавермай, ўз ҳолига қолдириб қўйган маъқул-ку. У бироз йиғлаб ҳеч ким эътибор бермагач, яна тинчиб қолади. Шу одатга ўргатилгани маъқул. Боланинг худбинлиги, ундаги шахсияпарастлик, нафси ғолиблик, ана шу гўдаклигида йўл қўйиладиган бемаъни ҳолатлар эканлигини унутмаслик керак.

Агар чуқурроқ эътибор билан қарасак боладаги нафс ва уни бошқариш қобилиятига мактабдан кўра оилада кўпроқ замин қўйилади. Негаки, бола мактабга еб-ичгани эмас, балки билим олгани келади. Демак, мактабда асосан ақлий тарбияга аҳамият берилади. Уйда, оилада эса бола овқатланади, тўй-томошага, турли зиёфатларга ота-онаси билан боради. Демак, боланинг баднафслик кўчасига олиб кирувчи омиллар кўпроқ оилада бўлади.

Агар болага нафсни тия олишини ота-она ўргатмаса, боланинг дастурхон устидаги хатти-ҳаракати назоратга олинмаса, аста-секин болада нафс ғолиблиги даражаси ортиб боради. У ҳар қандай шароитда маърака-мавлудда ҳам, тўю томошада ҳам, зиёфатларда ҳам катталар олдидан бир қарич жилмасдан, уларнинг ёнига ёпишиб, дастурхондаги ноз-неъматлардан кўз узмай, қўл чўзавериш одатига гирифтор бўлади. Уларнинг кўнглига қараб ота-она меҳмонга тузаб қўйилган таомлардан олиб бериб турадилар. Натижада болалар дастурхондан кўз узмайдиган қилиқ чиқарадилар. Агар бу нарсаларга ўз вақтида чек қўйилмаса, бу боланинг одобига салбий таъсир қилади ва баднафс бўлиб қоладилар. Баднафс боладан баднафс кишилар етишиб чиқади. Нафс бандаси бўлиб қолган одам ҳаммавақт фақат ўзини ўйлайди. Ўзим бўлсам, ўзим юрсам, ўзим кийсам каби ёмон дардга мубтало бўлади. Кўпчилик манфаати бундай одам учун қадрсиз, нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ бойишни ўйлайди. Мол-мулкини ҳар хил ҳаром ва ўғирлик йўли билан бўлса-да, орттириш учун уринадиган иймонсиз бўлиб қолади.

Улуғ кишилар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга бошловчи хисларни нафс балосига боғлайдилар. Демак, нафсини енга олган инсон ўзининг ахлоқий камолотини намойиш этади.

Турдиали ҚУРБОНОВ, педагогика фанлари номзоди.

Инсон табиати жуда қизиқ. У ҳаёт экан тинимсиз ҳаракат қилади. Энг ачинарлиси шундаки, у бир дақиқадан сўнг ёки эртага бошига не кунлар тушишини билмайди. У қувонч билан ташвиш ёнма-ён юришидан бехабар. Агар у бундан огоҳ бўлганда эди...

Ушбу тавбаномани ўқисангиз бунга яна бир бор амин бўласиз.

...Мен суд ҳайъатидан шафқат эмас, фақат, фақат олий жазони кутардим. Бошқа йўл ҳам йўқ эди. Ахир ўз онасининг ўлимига сабаб бўлган қотил ўғилга бошқа қандай жазо бўлиши мумкин?!

...Уч ойлик автобус ҳайдовчилик курсини битирдиму қишлоғимиздаги автосаройда шофёр бўлиб ишлай бошладим. Оила ташвишларидан йирокда эдим. Отам кутубхоначи, онам эса қишлоғимиздаги ўрта мактабда адабиётдан дарс берарди. Мақтанмайман, қишлоғимизда менга ҳавас қилган одамлар жуда кўп эди. Турсунбойни куёв қилсам деганлар ҳам топиларди.

Бундай қараганда шофёрлик ҳам ёмон касб кўринмасди. Машинанг юриб турса, маош ҳам яхши чиқарди. Чойчақаси ҳам йўқ эмасди. Ўша Бердивойга қўшилдиму ишларим чаппасига кетди. Ичишга, чекишга ўргандим. Бир куни Бердивой, мен, Соиб, Содиқ автобусни гаражга қўйдигу автобаза яқинидаги озиқ-овқат магазинига кирдик. Икки шиша ароқ олдик. Шундоққина йўл бетидаги дарахт тагига ўтириб «от-от»ни бошлаб юбордик. Орқасидан сигарет тутатдик. Негадир бу сафар унинг таъми бошқачароқ эди.

— Торт, тортавер, — деди Бердивой, менинг кетма-кет йўталишимдан завқланиб...

— Нашавандлар ҳаётда кўп нарсани йўқотишади. Оиласини ҳам, соғлиғини ҳам. Улар бориб-бориб телба ҳам бўлиб қолишади. Қандай бўлмасин, бу йўлдан қайт, ўғлим! Мени ўйламасанг онангни ўйла.

Отам бу гапларни биринчи айтаётганлари йўқ эди. Шу боисдан «Гапларингиз шўр овқатдай меъдамга тегиб кетди-ку» деб юборгим келарди.

Ич-ичидан куйиниб, ич-ичидан изтироб чекаётган отамга бир жиҳатдан раҳмим келарди. Лекин нима қилай? Дарёдаги сув гирдобига тушиб қолгандайман. Ундан чиқиб олиш жуда қийин кўринади. Кеч бўлдими ана ўша Бердивойни, ўша Соиб, ўша Содиқни қидираман. Устимдаги сўнгги кийимимни ечиб берсам ҳам, бир-икки тортмасам уйга киролмайдиган бўлиб қолгандим. Ҳа, отам айтгандай чиндан ҳам бу йўл даҳшатли, мудҳиш йўл. Ойлик ҳам, уч-тўрт сўм чойчақа ҳам шунга кетарди.

Ўша куни эндигина ишга келгандим. Директор чақираётганини айтишди.

— Ука, сенинг хурмача қиликларинг мана бу еримга келди, — деди у қўлини бўйнига олиб бориб. — Шу вақтгача отангни, онангни ҳурмат қилиб келдик. Лекин одам бўлмайдиган хилидан экансан. Ўз хоҳишинг билан аризангни ёзгин-да, жўна...

— Нима иш қилибман? «Ҳе йўқ, бе йўқ» дабдурустдан кет дейсиз?

— Нима иш қилибман эмиш! Менга раҳмат дегин. Шундоқ бўшаб кетгин деяпман.

— Шу сафар кечиринг, — юмшоқ гапирдим юрагимга хавотир тушиб.

— Йўқ, сен одам бўлмайсан. Бўрини қанча боқсанг, барибир, кўзи ўрмонда бўларкан.

Қанча ялиниб-ёлвормай бошлиғим сўзидан қайтмади.

Шу аснода ярим йилча ишсиз юрдим. Одамлар мени кўришса кўрмаганга олишадиган бўлишди. Уч-тўрт ишхонага ҳужжат кўтариб бордим. Турли баҳоналарни рўкач қилишди. Олти ой ичида анча-мунча қарздор бўлиб қолдим. Ниҳоят уйга хиёнат қила бошладим. Онамни кўрпа қилиш учун келтириб қўйган беш метр қизил духобасини арзон-гаровга сотиб, уни ҳам Бердивойнинг қўлига тутқаздим. Онам буни сезди-ю лекин отамга билдирмади. Бир куни онам эллик ёшга кирганида мактабдан совға қилиб берилган сервисни қоғозга ўраб чиқиб кетаётганимда онам йўлимни тўсдилар.

— Энди ўғирлик қилиш қолдими? Сут натижа оёғи остидагини кўролмай, қоқилади. Ҳаммасини ҳатлаб қилдим. Ҳаммасини ҳатлаб қилдим. Ҳаммасини ҳатлаб қилдим

спорт • спорт • спорт •